

Ўзбекистон АҚШга экспорт ҳажмини 1,5 млрд. долларга оширишни режалаштирмоқда

Вашингтонда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқовнинг АҚШ савдо вазири У.Росс билан учрашуви бўлиб ўтди, деб хабар қилади вазирлик матбуот хизмати.



Мулоқот давомида ўзбек делегацияси томонидан ўзаро савдони ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг АҚШга амалга ошираётган экспорт ҳажмини 60 та турдаги маҳсулотлар номенклатураси ҳисобига 1,5 млрд. долларга ошириш бўйича таклифи америка томони тарафидан ижобий қарши олиниб, ўрганиб чиқиш учун қабул қилинди. Экспортбop маҳсулотлар ҳажмлари акс эттирилган рўйхат АҚШ савдо вазирлигининг раҳбариятига кейинчалик савдо битимлари ва шартномалар устида ишлаш мақсадида топширилди.

Америкалик ҳамкасабалар таклиф этилган маҳсулотларга нисбатан америка бозоридаги эҳтиёжни чуқур ўрганишга ва ўзбек ишлаб чиқарувчиларини америка бозорига олиб чиқишига кўмаклашишга тайер эканлигини билдирдилар.

Шунингдек учрашув доирасида Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик даражасини ошириш учун давлатлараро алоқаларни ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фаолияти учун масъул бўлган вазирлар даражасида «С5+1» форматидаги платформа ташкил этиш таклифи баён этилди.

Учрашув давомида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига америка томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш масалалари алоҳида муҳокама қилинди.

Учрашув якунида ўзаро савдони жадаллаштириш ва масалаларни тезкорлик билан ҳал этишга қаратилган доимий биргаликдаги фаолиятни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва АҚШ савдо вазирлигининг юқори даражали экспертларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.